

## **МАДАНИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ АТРОФ-МУХИТ БИЛАН МОСЛАШУВЧАНЛИГИ.**

**Фарғона давлат университети табиий фанлар факультети  
география кафедраси в.в.б.доценти. Комилова.Н..Ў.**

**Аннотация:** маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги анъанавий этноэкологик маданиятининг худудий жиҳатлари асосида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашувчи илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Калит сўзлар:** Маданий экология, вилоят “юзи”, географик ландшафт, хўжалик юритиш, маданий турлар, табиат- аҳоли –хўжалик.

## **СОВМЕСТИМОСТЬ КУЛЬТУРНОЙ ГЕОГРАФИИ СО СРЕДОЙ.**

**Доцент кафедры географии факультета естественных наук  
Ферганского государственного университета Н.О. Комилова.**

**Аннотация:** на основе региональных аспектов традиционной этноэкологической культуры местного населения в сфере природопользования и охраны заключается в разработке научно обоснованных предложений и рекомендаций, поддерживающих социально-экономическое развитие региона.

**Ключевые слова:** культурная экология, «лицо» региона, географический ландшафт, управление, культурные виды, природа-популяция-хозяйство.

## **INTERACTION OF CULTURAL GEOGRAPHY WITH THE ENVIRONMENT.**

**Associate Professor of the Department of Geography, Faculty of Natural  
Sciences, Fergana State University. Komilova.N..O.**

**Abstract:** The aim of the work is to develop scientifically based proposals and recommendations that contribute to the socio-economic development of the

region based on the territorial aspects of the traditional ethno-ecological culture of the local population in the field of nature use and protection.

**Keywords:** Cultural ecology, "face" of the region, geographical landscape, farming, cultural types, nature-population-farming.

Хорижда Ж.Стюард томонидан этноэкологиянинг аналогича сифатида яратилган «Маданий экология»нинг мақсади маданиятлараро фарқларни, биринчи навбатда ҳар бир маданий вилоятнинг «юзи» билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб беришдир, деб белгиланди. Ж.Стюард (1955) қарашларида географик омилларнинг кишилик маданиятига таъсири очиб берилиши куйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

биринчидан, унинг ғоявий қарашлари «эволюциянинг кўп хиллилиги» концепциясига асосланади ва табиий омилларни жуда диққат билан эътиборга олишни талаб қилади;

иккинчидан, қиёслаш мумкин бўлган табиий шароитга эга бўлган жамиятда юз берадиган ўхшаш эволюцион жараёнлар ҳар доим ҳам маданий «диффузия натижаси» бўлмаслиги, шу жойдаги табиий шароит таъсирида юзага келганлиги эътироф этилади.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишида француз поппулистларининг (П.Видал де ла Блаш, 1926) ғоялари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Улар томонидан ишлаб чиқилган моделга кўра, инсон табиатга мослашувчи пассив эмас, балки, фаол агент сифатида кўрилади. Бир хил яшаш муҳитида бўлган турли инсонлар ҳар-хил маънавий, техникавий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа нотабиий омиллар таъсирида турлича иқтисодий ривожланиш йўлини танлашлари эътироф этилади. Бу ғояни қулай ва турли-туман табиий шароитга эга бўлган районлар учун қўллаш зарурлиги айтилади. Бундай ёндашувда кишининг маълум ҳудудда ўзини қандай тутиш сабабини мажмуали (табиий, ижтимоий, иқтисодий) ҳисобга олиш зарурати англаб етилади.

Россияда этноэкологик ғояларнинг тарихий илдизларини яратишда Л.С.Берг (1922), П.Н.Савицкий (1927), М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955), В.В.Андрианов (1972; 1975), Л.Н.Гумилев (1990) каби олимларнинг хизмати катта.

Л.С.Берг этносларни атроф-табiiй муҳит билан бўладиган алоқасида мослашувчанликка асосий омиллардан бири сифатида қараб шундай ёзади: - «Географик ландшафт тирик организмларга (инсонга ҳам) мажбурий таъсир кўрсатиб, уларнинг тур имконияти даражасида маълум йўналишларда ўзгаришига мажбур қилади. Тундра, ўрмон, дашт, чўл, тоғ, сувли муҳит, оролдаги ҳаёт ва бошқалар барчаси тирик организмларда ўзининг алоҳида изини қолдиради. Юқоридаги муҳитга мослаша олмаган турлар бошқа географик ландшафтга кўчиб кетади ёки нобуд бўлади».

Ҳар бир этноснинг ягона тизим ҳолида шаклланишига сабаб бўладиган жойларни П.Н.Савицкий (1927) инсонларнинг «Туғилган жойи» тушунчасига мос аналог сифатида этносларнинг «Ривожланиш жойи» деб атайди. Унинг ёзишича жой ва унинг табiiй-иқлим шароити кишиларнинг турмуш тарзига, хўжалик юритиш тизими ва маданиятига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Бу таъсирга мослашиш механизми ишлаб чиқилади ва авлоддан-авлодга бериб бериб борилади. Бундай механизм сифатида халқларда шаклланган кўникма, малака ва анъаналар келтириб ўтилади.

Хўжалик-маданий турлари ва тарихий маданий вилоятлар концепцияси М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955) томонидан ишлаб чиқилган, В.В.Андрианов (1972; 1975) томонидан такомиллаштирилган. Бугунги кунимизда ушбу концепция бўйича маълум худуднинг «табиат-аҳоли-хўжалик» тизимини ўзаро алоқадорликда ўрганиш имконияти яратилди. Таълимот асосчиларининг фикрларига кўра, «хўжалик-маданий турлари» деганда, маълум табiiй географик шароит ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасида яшовчи халқларга тегишли бўлган, тарихан шаклланган хўжалик ва маданиятнинг ўзига хос мажмуаси тушунилади.

Бундай турларнинг шаклланишида хўжаликнинг йўналиши ва географик муҳитнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бир хил географик муҳитда яшовчи турли халқларда шунга мос ҳолда «хўжалик-маданий» турлари бўлиши, тарихий ривожланиш натижасида бир тур ўрнига янгиси, иккинчиси келиши мумкин. «Хўжалик-маданий турлари» концепцияси орқали ер юзасининг табиий шароит ва табиий ресурслар билан таъминланганлиги бўйича хилма-хиллиги оқибатида юзага келган инсониятнинг маданий табақалашувининг (дифференцияцияси) моҳияти очиқ берилади. Бу хўжалик юритиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа соҳаларда турли хил маданий мослашув натижаларига яъни, «хўжалик-маданий турлар»ини юзага келишига сабаб бўлади.

## REFERENCES

1. **Наргиза Уриновна Комилова.** Влияние этноэкологических культур на экосистему Ферганской долины. Вестник науки и образования 2 (12 (36)), 73-75, <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-etnoekologicheskikh-kultur-na-ekosistemu-ferganskoy-doliny>
2. **Nargiza Urinovna Komilova.** Territorial features of the organization of settlements. 3/6. 809-813. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/territorial-features-of-the-organization-of-settlements>
3. **NU Komilova.** Ethnogeographic aspects of social environmental problems. 3/6. 12-18. 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/ethnogeographic-aspects-of-social-environmental-problems>
4. **Komilova Nargizahon Urinovna.** Geographical roots and basic concepts of ethnoecology. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (4), 1748-1750. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=4&article=295>

5. **Комилова Нургиза Уриновна.** Gradual study of geographic features of ethno-ecological culture. European science review, 82-84.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/gradual-study-of-geographic-features-of-ethno-ecological-culture>